

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЕНГЛИЕВА МУНИРА БАХТИЁР ҚИЗИ**

**ҲАРАКАТ ТАРЗИ МАЪНОЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ**  
**ТИЛЛАРИДА БЕРИЛИШИ ВА БАДИИЙ МАТНДА ТАРЖИМАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.111'276  
811.512.133'276

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Менглиева Мунира Бахтиёр қизи**

Ҳаракат тарзи маъноларининг ўзбек ва инглиз тилида берилиши ҳамда бадиий  
матнда таржимаси .....3

**Mengliyeva Munira Bakhtiyor kizi**

Implementation of motion manner meanings in Uzbek and English languages and  
translation in fiction text .....24

**Менглиева Мунира Бахтиёр қизи**

Реализация значений образа действия в узбекском и английском языках и их  
перевод в художественном тексте.....44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....48

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЕНГЛИЕВА МУНИРА БАХТИЁР ҚИЗИ**

**ҲАРАКАТ ТАРЗИ МАЪНОЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ  
ТИЛЛАРИДА БЕРИЛИШИ ВА БАДИИЙ МАТНДА ТАРЖИМАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1449 билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетиде бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (adu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шахабитдинова Шехида Хошимовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хошимова Дилдора Мадаминовна</b> филология фанлари доктори, доцент <b>Эргашева Гули Исмоил кизи</b> филология фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Миллий университети</b>

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 8814; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Н.М.Улуқов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,  
профессор

**Ф.Ф.Усманов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д.

**М.Н.Умарходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, ф.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқларининг жадал маданий интеграцияси миллий ўзлигини сақлаб қолишни дунё цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутган ҳар бир халқнинг муҳим вазифаси сифатида белгиламоқда. Шундай экан, глобаллашув даврида тилнинг нафақат мулоқот воситаси, балки миллий ўзига хосликни акс эттирувчи ижтимоий ходиса сифатидаги аҳамиятини эътироф этиш лозим. Бунда тил миллатнинг ўтмиши, турмуш тарзи ва менталитетини намоён этувчи уникал восита ва ижтимоий ходиса эканлигини асослаш зарур. Тилшуносликда грамматик категорияларни тиллараро умумлаштирувчи ва ажратувчи белгилари асосида текшириш, бунда маънодан шаклга тамойилида ҳаракатланиш, турли тилларни умумийлик ва хусусийлик диалектикасида қиёслаш долзарб масалага айланмоқда. Жумладан, ҳаракат тарзи воситаларини нафақат морфологик, балки лексик, синтактик ва фонетик сатҳларда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўзбек ва инглиз тилларида тарз маънолари ва уларнинг ифода хусусиятларини қиёслаш каби муаммоларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда феъл ва унга оид турли категорияларнинг, хусусан, ҳаракат тарзи шакллариининг функционал хусусиятларини дунё тилларидаги ўзига хосликларини аниқлашга доир бир қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, структур жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилувчи инглиз ва ўзбек тилларида ҳаракат тарзи маъноларининг умумий жиҳатларини, семантик гуруҳларини, эквивалентларини аниқлаш, таржима жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек миллий моделига мос келувчи таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг замонавий талаблар даражасидаги асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда муҳим натижаларга эришилмоқда. «Давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилмоқда»<sup>1</sup>. Бу борада тил бирликларининг семантик имконияти ва нутқ жараёнидаги вазифасини белгилаш, ҳозирги инглиз ва ўзбек тили ҳаракат тарзи ифодаларининг қўлланиш меъёрини белгиловчи семантик, матний хусусиятини қиёсий аспектда текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи шакллари кўмакчи феълли сўз қўшилмаси мавзуси остида тадқиқ қилинган. Бу борада академик А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» монографияси алоҳида аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Унда кўмакчи феълли сўз қўшилмаларининг моҳияти, морфологик хусусиятлари, нутқий ва маъновий турлари атрофлича ўрганилган. Тилшунос О.Шукуров ҳаракат тарзи шакллари парадигматик хусусиятларини ўрганиб, унинг категориал моҳияти масаласини кун тартибига қўйди ва ўзбек тилшунослигига *ҳаракат тарзи шакли* атамасини олиб кирди<sup>3</sup>. Ҳаракат тарзи шакллари умумий грамматик маъноси, унинг оралиқ шакллар орқали хусусий грамматик маъноларни воқелантириши, бу жараёнда тил сатҳларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи турли тадқиқотлар объекти бўлган.<sup>4</sup> *Ҳаракат тарзи шакллари* тушунчаси унинг субстанциал таҳлили натижалари асосида ўрта ва олий мактаб дарслик, ўқув қўлланмаларидан жой олган<sup>5</sup>. Умуман олганда,

<sup>2</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 220.

<sup>3</sup>Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 27 б.

<sup>4</sup>Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Тошкент: 2002. – 49 б.; Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент: 1996. – 21 б.; Баҳриддинова Б. М. Феъл лугавий шакли тизими. Феълнинг тур категорияси: филол. фан. номзоди... дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 52 б.; Раҳматуллаева Ш. Ўзбек тилидаги ҳаракат ҳаракат тарзи шакллари парадигматик лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. – Қарши: Насаф, 2018. – 96 б.

<sup>5</sup>Неъматов Х., Гуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. 6-синф учун дарслик (синов). – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 176 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ФТ, 2010. – 391 б.; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 149 б.; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 256 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 288 б.; Зикриллаев Ғ.Н. Феълнинг шахс, сон, ҳурмат категорияси системаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 110 б.;

дунё тилшунослигида ушбу муаммо тадқиқи тилшунос олимлар И.Гиганов<sup>6</sup> ва О.Бётлинк<sup>7</sup> ишларида ажралиб туради, улар ҳаракат тарзи шаклларини анъанавий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этишган. Бироқ ҳаракат тарзи шаклларининг миллий-маданий ва прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмаган; мазкур жиҳатлар тил ва маданият яхлитлиги муаммоси сифатида илмий текширилмаган. Инглиз тилшунослигида эса ҳаракат тарзи, яъни *motion manner* ифода воситаларининг асосан семантик хусусиятлари ўрганилган. Бу борада тилшунос олимлар Л.Талмий<sup>8</sup> ва М.Фиэстнинг<sup>9</sup> тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга молик. Улар ўз ишларида тарз маъноларини асосан ҳаракат феъллари негизида таҳлил қиладилар ва тарз маъносини ифодаловчи воситаларнинг контекстуал, синтактик ва лексик қурилиши хусусиятлари ҳақида сўз юритишган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган илмий изланишлар атрофлича ўрганилди, зарур ўринларда уларга муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

**Диссертациянинг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-18-сон «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) давлат илмий-техника дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳаракат тарзи ифодаларининг семантик ва контекстуал хусусиятларини тиллараро чоғиштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва инглиз тилидаги ҳаракат тарзи ифода бирликларини фонетик, лексик, морфологик ва синтактик сатҳларда чоғиштириш ва тизимий муносабатларини очиб бериш;

ўзбек ва инглиз тилидаги ҳаракат тарзи ифода бирликларини ҳаракатнинг бошланиш тарзи, давомийлиги, суръати, такрорийлиги ва тугалланиш тарзига кўра тизимли изчил жадвал асосида тартибга солиш;

---

<sup>6</sup>Гиганов И. Грамматика татарского языка. – СПб, 1801. – 192 с.

<sup>7</sup>Bohtlingk O. Kritische Bemerkungen zur zweiten Ausgabe von Kasembek...s türkisch-tatarischen Grammatik. Zum Original und zur deutschen Übersetzung // «Bull. de la cl. Sciences Hist., Philol. et Polit. De L...Academie Imperiale des Scieces», vol. V, - № 22. - St. Petersburg, 1848. – С. 352.

<sup>8</sup>Talmy, L. Lexicalization patterns: Semantic structure in lexical forms. In Timothy Shopen, ed. Language typology and syntactic description. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – 57–149 p.; Talmy, L. Path to realization: A typology of event conflation. In Laurel A. Sutton, Christopher Johnson & Ruth Shields, eds. Proceedings of the 17th Annual Meeting of the Berkeley Linguistics Society. Berkeley, CA: Berkeley Linguistics Society, 1991. – 480–519 p.; Talmy L. Toward a cognitive semantics. Vol. I: Concept structuring systems; Vol. II: Typology and process in concept structuring. Cambridge, MA: MIT Press, 2000. – 565 p.; Talmy L. Lexical typologies. In Timothy Shopen, ed. Language typology and syntactic description, 2nd ed. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 66–196 p.; Talmy, L. Semantics and syntax of motion. In John P. Kimball, ed. Syntax and semantics 4. New York: Academic Press, 1975 – 57- 149 p.

<sup>9</sup>Feist M.I. Minding your manners: linguistic relativity in motion. – Linguagemem Discourse – LemD, Tubarão: SC, 2016. – 591–602 p.

тартибга солинган ифода бирликларининг инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржималарини ўрганиб чиқиш, луғатларда берилишини тадқиқ қилиш ва тегишли тавсиялар бериш;

ҳаракат тарзи ифода бирликлари таржимасининг муваффақиятли томонларини аниқлаш, мавжуд нуқсон ва чалкашлик ҳамда ноаниқликларни муайянлаштириш ҳамда уларнинг ўрнига муқобил вариантлар таклиф қилиш; ўзбек ва инглиз тилидаги ҳаракат тарзи ифодалари орасида маданий реалияларни аниқлаш ва уларнинг таржимаси масалаларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида замонавий инглиз ва ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи ифодаларининг маънолари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни замонавий инглиз ва ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи ифодаларининг семантик, типологик-структур мақоми, ўзаро таржимада бериш муаммолари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда баён, дистрибутив, семантик-стилистик изоҳ, лексик-семантик (мантиқий-семантик), контекстуал-компонент таҳлил, қиёслаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида ҳаракат тарзи маънолари нафақат *кўмакчи феълли қурилма* орқали, балки *замон шакллари, пайт ва равиш ҳоли* ёрдамида ифодаланиши, инглиз тилида эса тарз маънолари бевосита *ҳаракат феълнинг луғавий маъноси, товуш ўзгариши, урғу, фразавий феъл, замон шакллари, ҳолли сўз бирикмаси* воситасида ифодаланиши аниқланган;

ўзбек ва инглиз тилларида ҳаракат феъллари ўз луғавий маъноси билан тарз семасини ҳам воқелантириши, тарз маъносига кўра ҳаракат феъллари мўътадил лексемалар, мутлақ лексемалар ва услубий бўёқдор лексемаларга бўлиниши далилланган;

таржима матнида тарз маъноси тиллараро интерференция таъсирида ҳамда ноўрин семантик трансформация натижасида янглиш ўгирилиши, ҳаракат тарзи маъносининг ўзбек ва инглиз тилига таржима қилинишидаги хатолар сирасида маънони четлаб ўтиш, номуқобил таржима қилиш, лингвистик ёки коммуникатив ёндашувлардан бирини нотўғри қўллаш каби ҳолатлар очиб берилган;

ўзбек ва инглиз тилидаги ҳаракат тарзи ифодалари таржимасида маданий реалияларнинг адекват берилиши олам миллий лисоний тасвири яхлитлигини таъминловчи етакчи восита эканлиги контекстуал-компонент метод орқали исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларида ҳаракат тарзи маъносини англлатувчи турли сатҳ воситаларининг грамматик ва семантик хусусиятлари кўрсатилиб ушбу грамматик категорияни функционал семантик майдон эканлиги асосланган;

ҳаракат тарзи маъносини ифодаловчи воситаларни семасига кўра градуонимик тартиблаштириш, уларнинг полисемантик хусусиятларини ёритиш, воситаларни тарз маъносига кўра нейтрал ва бўёқдор бирликларга ажратиш мумкинлиги далилланган;



қиёсланаётган воситаларнинг таржима луғатларда берилиши, шунингдек, ушбу воситалар бадий таржимасининг адекватлигини таъминлаш учун методик таъминот базаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий, илмий-амалий конференция материаллари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларнинг ушбу тадқиқот материалларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг республика миқёсида амалиётда жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ҳаракат тарзи ифодаларини семантик-структур-типологик таҳлил қилишнинг комплекс методикаси ишлаб чиқилганлиги, ҳаракат тарзи маъносини ифодаловчи воситалар тизимли тажридий табақаланганлиги, бирликиларнинг полисемантик хусусиятлари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги илмий фикр ва хулосалардан «Инглиз тили грамматикаси», «Қиёсий типология, таржима назарияси ва амалиёти» фанлари бўйича дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, морфологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз тили ва ўзбек тилида ҳаракат тарзи маъноларининг қиёсий тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалари асосида:

ҳаракат тарзи ўзбек тилида феълнинг луғавий маъноси, товуш ўзгариши, кўмакчи феълли қурилма, замон шакллари, пайт ва равиш ҳоли ёрдамида, инглиз тилида феълнинг луғавий маъноси, товуш ўзгариши, урғу, луғавий маъно, фразавий феъл, замон шакллари, ҳолли сўз бирикмаси воситасида ифодаланиши ва бунда ўзбек тили воситалари устуворлик қилишига оид хулосаларидан Эрасмус+ дастурининг Project № 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC) грант лойиҳаси бадий матнлар каталог ва қўлланмаларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда, магистратура талабалари учун ташкил этилган онлайн курслар ташкил қилишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-56/2-сон-маълумотномаси). Натижада ўзбек ва инглиз тилидаги ҳаракат тарзи ифодалари орасида маданий реалияларни аниқлаш ва уларнинг таржимаси масалаларини ёритиш аҳамиятини намоён қилиш имконини берган;

лексик сатҳда ҳаракат феълларининг тарз ифодалаш хусусиятига кўра нейтрал, мутлақ ва услубий бўёқдорликка эга турлари сўзнинг семантик хусусиятига асосланган ҳолда ажратилишига доир хулосалардан «Ҳозирги ўзбек тили» дарслигидаги «Лексема семемасининг таркиби» (15-§), «Лексеманинг семантик кўлами» (16-§), «Лексик-семантик муносабатлар»

(17-§), «Ўзбек тили лексикаси таснифи» (18-§) фаслларда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-56/2-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидаги ҳаракат тарзи тизимини системалаштириш тарз маъносига эга лексемалар таркибидаги асосий луғавий маънодан қўшимча тарз семасини ажратиш имконини берган;

таржима матнида тарз воситаси ёки маъносининг тушиб қолиши, тарз маъносининг нотўғри таржима қилиниши, таржимада филологик, лингвистик ва коммуникатив ёндашувлардан бирининг нотўғри танланиши бадий асарлар таржимаси мисолида очиб берилган хулосалардан I-ОТ-2019-42 рақамли «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-56/2-сон маълумотномаси). Натижада ҳаракат тарзи ифода бирликлари таржимасининг муваффақиятли томонлари, мавжуд нуқсон ва чалкашлик ҳамда ноаниқликлар муайянлаштириш ҳамда уларнинг ўрнига муқобил вариантлар таклиф қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, 4 та республика ҳамда 2 та халқаро илмий амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 1 та монография, 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек тилида ҳаракат тарзи маъноларининг ифодаланиши**» деб номланади ва унда ҳаракат тарзи ифодаларининг ўрганилиш тарихи ўрганилган, воситаларнинг маъно турлари тадқиқ қилинган ва уларнинг семантик тадқиқига доир фикрлар билдирилган.

Замонавий ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи категориясига доир тадқиқотлар асосини кўмакчи феъл хусусидаги изланишлар ташкил қилади. Тарзнинг ўрганилишини эса тарихан уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи даврда кўмакчи феъллар ёрдамчи феъл сифатида қаралади, шунингдек, А.Ғуломов «Феъл» монографиясида айни шаклларни «феъл+феъл» типдаги кўшма феъл деб атайди<sup>10</sup>. Бу воситаларни А. Ҳожиёв кўмакчи феъл сифатида номлаб, «улар ўзи бирикиб келган феълнинг маъносига турли кўшимча маъно беради ва шу феъл билан биргаликда гап бўлаги бўлиб келади»<sup>11</sup> деб баҳолайди. *Ҳаракат тарзи категорияси* истилоҳи илк бор таълимда қўлланди<sup>12</sup>. Тилшунос О.Шукуров эса ҳаракат тарзи истилоҳининг фанга кириб келишига катта ҳисса қўшди. Тадқиқотчи Ш.Раҳматуллаева томонидан ҳаракат тарзи шакллариининг лингвокультурологик ва социопрагматик жиҳати тадқиқ қилинди<sup>13</sup>.

Бугунга қадар олиб борилган барча тадқиқотлар тарз ифода воситаларини фақат морфологик сатҳда кўриб чиқди. Ушбу категориянинг синтактик, лексик ва фонетик сатҳдаги ифода бирликлари яхлит қамраб олинмади. Натижада ушбу лисоний категория функционал-семантик майдон сифатида тўлақонли ўрганилмади. Ҳар бир давр фанлар олдига янги вазифалар қўйиш билан бирга, ушбу ҳодисалар моҳиятини тадқиқ этишда замонавий таянч нукталар ҳосил қилади. Формал тилшуносликда кўмакчи феъл доирасида тадқиқ қилинган, структур тилшуносликда морфологик сатҳ доирасида кенгайган, яъни кўмакчи феъл бирлиги [равишдош кўшимчаси + кўмакчи феъл] яхлитлиги сифатида ўрганилган бўлса, эндиликда давр бу ҳодисанинг турли сатҳ воситалари орқали воқеланишини тадқиқ қилишни тақозо этмоқда, бу эса масала моҳиятини тўлиқ англашга ёрдам беради.

Тилларга антропоцентриқ ёндашув даври тил ифода бирликларини ҳам «шаклдан маънога...» йўналишида эмас, балки «маънодан шаклга...» тамойили

<sup>10</sup> Ғуломов А. Феъл. – Тошкент, 1954. – Б. 77.

<sup>11</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 15.

<sup>12</sup> Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. 6-синф учун дарслик (синов). – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – Б. 100.

<sup>13</sup> Раҳматуллаева Ш.З. Ҳаракат тарзи шакллариининг лингвокультурологик ва социопрагматик хусусияти: Ф.ф. фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2018. – Б. 18.

асосида тадқиқ этиш, тарз воситаларини турли сатҳ ва сатҳларда қамраб олиб, масалани янада кенгроқ кўламда – функционал-семантик майдон сифатида тадқиқ этиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Тил ифода воситаларини анъанавий тарзда, яъни сатҳлар доирасида бўлиб ўрганишдан кўра бир маъно остида турли сатҳлардаги воситаларни жамлаб ўрганишга асосланган функционал-семантик майдон сифатида ёндашув қатор устуворликларга эга.

Бобда ҳаракат тарзи маъноларининг икки йирик гуруҳи – «жараёнлилик» ва «қобилият» оралиқ грамматик маъноларини ифодаловчи воситалар ажратилади. О.Шукуровнинг «Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси» монографиясига асосланган ҳолда жараёнлилик умумий грамматик маъноси «бошланиш», «давомийлик» ва «тугалланганлик» йирик оралиқ маъноларига бўлинди, ўз навбатида, бу уч оралиқ маъно «сониявийлик», «давомийлик», «узлуклилик», «узлуксизлик», «тўлиқлик», «нотўлиқлик», «ўзига олиш» ва «сониявийлик» каби хусусий грамматик маъноларга ажратилди. Бу маъно турларининг фонетик сатҳда ифодалана олинишига доир мисоллар санокли бўлса-да, ҳаракат феъллари ёки кўмакчилар таркибидаги товуш чўзилиши ва қисқариши, урғу каби фонетик ходисалар маълум бир даражада тарз маъносини ифодалай олади дейиш мумкин, ушбу ўзгаришлар, албатта, ёзма манбаларда қайд этилмайди ва тарз маъноси фақатгина морфологик сатҳда [феъл + равишдош шакли + кўмакчи феъл] бирикмаси орқали ифодаланиши мумкин деган қараш фанимизда анъаналашган. Бироқ жараёнлилик оралиқ грамматик маъноси таркибидаги турли хусусий грамматик маънолар нафақат кўмакчи феълли бирикув, балки замон шакллари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Феълнинг замон категорияси ҳам мутлақ тарз маъноси ифодаловчиси ҳисоблана олади. Жумладан, феълнинг ўтган замон қўшимчалари ҳаракатнинг тугалланганини англатса, *-ар* равишдош қўшимчаси *эди*, *экан* тўлиқсиз феъли билан бирга ҳаракатнинг ўтган замонда узоқ давом этганини, яъни тарзнинг «узлуксизлик» хусусий маъносини ифодалайди. Ҳозирги замон қўшимчаси эса ҳаракатнинг нотўлиқлиги ва тугалланмаганлигини ифодалашга хизмат қилади. Синтактик сатҳда тарз маъноси турли пайт ва равиш ҳолларининг кесимлар билан бирикувида намоён бўлади. Лексик сатҳ воситалари бевосита ҳаракат феълларининг ўзидир. Тарз маъносига кўра, ҳаракат феълларини уч гуруҳга бўлиш жоиз. Биринчи гуруҳга тарз маъноси мутлақ бўлган *бошламоқ*, *тугатмоқ*, *чўзмоқ*, *тўхтатмоқ* каби феълларни киритиш мумкин. Улар бевосита ўз луғавий маъноси орқали ҳаракатнинг «бошланиш», «давомийлик» ёки «тугалланганлик» маъноларини ифодалай олади. Ушбу воситаларнинг нутқда қўлланишига эътибор қаратамиз: 1. *Китоб сурат билан лиқ тўла эди, ҳеч шарпа қилмасдан, уни битта-битта варақлай бошлади* (синтактик ва морфологик восита) (Чўлпон, «Кеча ва кундуз»). 2. *Кампир умрида кўрмаган ўнталикнинг нақиларига қараркан, шу нақш сингари жонсиз бўлиб қолган шўрлик қизини кўз олдига келтирди-да, кўзларига ихтиёрсиз ёш олиб юборди...* (синтактик ва морфологик восита) (Чўлпон, «Кеча ва кундуз»). 3. *Шухрат Саломович менга маска кийишида ёрдамлашиб юборди-да* (менга одамлар киядиган кислород маскаларининг махсус размери

*тўғри келганди*), ўзи ҳам **бир пасда кийиниб олди** (синтактик ва морфологик восита) (Х.Шайхов, «Сирли нур»). 4. *Негаки, мен қўнаётганимда тормозлаш двигателидан фойдаланиб, хийла узоқ муддат кеманинг тагидан настга олов пуркаб турдим* (лексик ва морфологик восита) (Х.Шайхов, «Сирли нур»). 5. *Зиёнинг Буюк кенгаши ҳафталаб кенгаш ўтказди, ниҳоят, у юзага келган проблеманинг асосий принципларини ишлаб чиқди* (лексик ва морфологик восита) (Х.Шайхов, «Сирли нур»).

Ҳаракат тарзи категориясининг иккинчи оралик грамматик маъно гуруҳи ўз кўлами жиҳатидан биринчисидан сезиларли даражада торроқ. Агар «қобилият» оралик грамматик маъно хисобланса, қуйида ушбу маъно икки хусусий гуруҳ – «қодирлик» ва «синаш»га ажралиб кетади. Янада қуйироқда «қодирлик» маъноси «жисмоний-ақлий фаолият» ва «ақлий фаолият»га ажралса, «синаш» маъносида қуйи табақаланиш мавжуд эмас. Шуни таъкидлаш жоизки, «умумий грамматик маъно нутққа киритилар экан, у қанчалик қуйиласа, унга бошқа ҳодисалар – турли тил сатҳлар таъсири ҳам муайянлашиб боради»<sup>14</sup>.

Айтиш лозимки, «ҳаракатни бажариш қобилиятига эгалик»ни ифодаловчи бирликлар ҳам фақат ўтган ва ҳозирги замон қўшимчаларидан холи ҳолда қобилиятни англатади. Агар воситаларга ушбу қўшимчалар кўшилса, ўз-ўзидан бирликлар «жараёнлилик» табақасидаги хусусий грамматик маънолардан бирини ифодалай бошлайди. «Қодирлик» оралик грамматик маъносининг иккинчи хусусий грамматик маъноси «синаш» ўз навбатида иккита – «ҳаракатни синаш, текшириш ёки тажрибадан ўтказиш» ва «ҳаракатни билиш, белгилаш, аниқлаш» турларига бўлинади. *Ўқиб боқ, ўйлаб кўр, татиб боқ* каби бирликлар «қодирлик» тармоғи бирликларидан фарқли ўлароқ ўтган замон ва ҳозирги замон қўшимчалари кўшилса ҳам, айни синаш маъносини англата олади. Ушбу гуруҳдаги бирликлар «қодирлик» маъноси билан бирга «жараёнлилик» маъноларини ҳам англатиши мумкин. *Аранг, амаллаб* каби лексемалар ҳаракатнинг амалга оширилганлигини ва айни пайтда ушбу ҳаракатни амалга оширишга кўп куч сарфланганини, яъни ҳаракатни бажариш уддаланганлигини англатади. Шу сабабдан *аранг, базўр, амаллаб* лексемаларини ҳам қодирлик маъносини ифодаловчи бирликлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу бирликларга зид маъно эса *маромига етмоқ, муваффақ бўлмоқ, бамайлихотир, бирваракайига, бемалол* каби бирликлар орқали англашилади ва бунда ҳаракатни бажаришга тўлақонли лаёқатлилик, уни уддалаш ҳаракат бажарувчисидан ҳеч қандай ортиқча куч талаб этилмаслиги каби маъно нозикликлари ифодаланади. Бироқ икки маъно гуруҳи орасидаги тафовут фақат бирликлар миқдори билан чекланиб қолмайди. Маъно гуруҳлари орасидаги яна бир тафовут улардаги ифода воситаларининг қўлланиш доираси ва контекстига бориб тақалади. Маълумки, ҳаракат тарзи шакллари нутқнинг турли шароитларига ҳар хил хосланиши билан характерланади. Ҳаракат тарзи шаклларини ташкил этувчи *турмоқ,*

<sup>14</sup> Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлигида сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. докт. ... дис. – Тошкент: 2002. – Б. 212.

*ташламоқ, бермоқ, қўймоқ, қолмоқ, кетмоқ, чиқмоқ, ўтмоқ, олмоқ, келмоқ* кўмакчи феълларининг расмий нутқ вазияти учун кўпроқ хосланганлиги маълум бўлди. Бу улар семантик қамровининг кенглиги ва маъно бўёғининг кучсизлиги билан белгиланади<sup>15</sup>. Бироқ «қобилият» ва «синаш» маъноларини ифодаловчи бир қатор бирликлар ўзига хос маъно бўёқдорлигига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабдан, *аранг, базўр, бамайлихотир* каби синтактик сатҳ ифода воситалари ва *эпламоқ, амалламоқ, уддасидан чиқмоқ* каби лексик тарз ифода воситалари услубий мўътадилликдан йироқ ва расмий, илмий матн контекстида қўллана олмайди. Бу каби воситаларнинг қўлланиш доираси аксарият ҳолларда бадий матн билан чекланади:

1. *Адабиётга оид илмий баҳсларда Асқад бир олимдек гап айта оладиган, фикри тиниқ ижодкор эди* (морфологик восита) (С.Аҳмад, «Умрим баёни»).
2. *Бу унга одат эди чоғи – қаншари турли бўёқларга беланиб қолганди. қўллари қошиқни мадорсизлик билан кўтараркан, унинг шу сонияда яна ҳам ифодасиз тусга кирган юзига қараб, овқатни ҳам эплаб ичолмайдиган асабий ва рўдапо чолнинг рассом эканлигига сираям ишонгим келмасди* (синтактик восита) (Н.Эшонқул. Маймун етаклаган одам).
3. *Қизиги шундаки, қуён ухласа ҳам, кўзи очиқ туради. Буни Ботир билмасди. Уйғоқ экан деб ўйларди. Кейин — отасидан. акаларидан эшитиб билди, бу сирни билиб қолса, қўймайди у, бир амаллаб хаёлини чалғитади* (синтактик восита) (М.Ҳазратқул, «Кўккўл»).
4. *Чироққа солиб бунима қилса бўлади, деб орқа-ўнгига яхшилаб қаради. Оғир эмас, енгилгина, тиззага қўйиб хат ёзса бўлади* (морфологик восита) (С.Аҳмад, «Киприкда қолган тонг»).
5. *Космодромга келишим билан умрида чекмаган, ҳатто сигаретни ушлаб кўрмаган одамга айланаман* (морфологик восита) (С.Аҳмад, «Киприкда қолган тонг»).

Ишнинг иккинчи боби «**Ўзбек тилида ҳаракат тарзи маъноларининг ифодаланиши**» деб номланган, унда инглиз тилшунослигида тарз ифода воситаларининг тадқиқи тарихи, тарзнинг «жараёнлилик» ва «қодирлик» маъно гуруҳларини ташкил этувчи воситалари кўздан кечирилади.

Инглиз тилшунослигида ҳаракат тарзи категорияси номи *motion manner* деб юритилади. Бу истилоҳ ўрнида бошқа вариантдошлар қўлланмайди. Тилшунос олим Л.Талми фикрича, барча тиллар ҳаракат тарзининг ифодаланиши, қолаверса, ҳаракатнинг қай йўсинда берилишига кўра таснифланиши лозим. Феълларга асосланган ва феъллар ёрдамида шаклга солинган тиллар туркумида ҳаракат кечими, яъни ҳаракат тарзи асосий феъл ёрдамида ифодаланади. Булар сирасига роман оиласига кирувчи испан, португал, япон ва грек тилини киритиш мумкин. Аксинча, йўлдош доирасида шакланган герман ва славян оиласига мансуб тиллар ҳаракат ва унинг тарзини алоҳида сўзлар орқали ифодалайди. Бунда феъл ҳаракатни ифодалаш билан бирга унинг тарзи, яъни кечимини ҳам англашиб кетади. Тилларни феълга марказлашган ва отга марказлашган тил сифатида ажратиш, ҳаракатни

<sup>15</sup> Раҳматуллаева Ш.З. Ҳаракат тарзи шакллариининг лингвокультурологик ва социопрагматик хусусияти. – Ф.ф. фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши 2018. – Б. 18.

тарздан ажратган ҳолда тадқиқ этиш бир неча тилшунослик мактабларида ўз амалий исботини топди<sup>16</sup>.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ инглиз тилида ҳаракат тарзини ифодаловчи воситалар категория сифатида ажратиб тадқиқ қилинмаган ва, умуман олганда, тарз воситалари ва уларнинг маъноси структура сифатида ўрганилмаган. Албатта, тарз воситалари алоҳида категория сифатида ажратилмаса-да, ҳаракатнинг нутқда воқеланишига доир кўплаб тадқиқот мавжуд. Жумладан, тилшунос олим Леонард Талми ҳаракат масаласига семантик сатҳда ўзига хос назария орқали ёндашади. Унга кўра, нутқда воқеланган ҳаракат тўртта асосий компонентдан иборат: 1) ҳаракатланаётган жисм; 2) ҳаракат йўналтирилган жисм ёки жой; 3) ҳаракатнинг траектория чизиги; 4) ҳаракат. Ушбу тўрт компонент назарияси синтактик сатҳ доирасида ҳаракатни баҳолаши мумкин. Масалан: *He went into (the room)* – У хонага кирди; *The pencil rolled off (the table)* – Ручка столдан думалаб тушди. Талмийнинг ҳаракат компонентлари назариясига кўра, юқоридаги жумлаларда *he, pencil* (у, ручка) ҳаракатни амалга ошираётган жисм; *room, table* (хона, стол) ҳаракат йўналтирилган жисм/жой; *into, off* (-га, -дан) – ҳаракатнинг траекторияси, йўналиши; *went, rolled* (кирди, думалаб тушди) – ҳаракат сифатида ажратилади<sup>17</sup>.

Инглиз тилида «жараёнлилик» ва «қобилият» маъносини ифодаловчи воситаларнинг сатҳлараро тадқиқи ва воситаларнинг маъно турига кўра тармоқланиши қуйидаги тезисларни шакллантиришга асос бўлди. Ҳаракатнинг тарзи фонетик сатҳда яққол ифодаланмайди. Маълумки, ҳаракат тарзи фонетик сатҳда ифодаланса-да, бу бирликлар белгисиз. Яъни улар морфологик, синтактик, лексик сатҳ бирликлари каби аниқ кўзга ташланмайди. Инглиз тилида тарзнинг соф фонетик ифодаси сифатида феъл таркибидаги унлиларнинг чўзилиши ва бирор бўғиннинг бошқасидан фарқли равишда ҳам урғу, ҳам кучли интонация билан талаффуз қилинишини мисол қилиш мумкин. Морфологик сатҳда тарз маънолари феъл ва предлог бирикуви орқали англатилиши мумкин, замон шакллари ҳам «жараёнлилик» туркумидаги баъзи маъноларни ифодалай олади. Қобилият маъносини ифодалашда модал феъллар етакчи роль ўйнайди. Ўзбек тилидан фарқли равишда флексив қурилишга эга инглиз тилида предлог феълга равишдош шаклисиз бирикади. Ва бунда равишдош шакли ифодалай оладиган тарз маънолари бошқа бирликлар зиммасига тушади. Шунингдек, инглиз тилининг

<sup>16</sup> Feist, Michele I. Minding your manners: linguistic relativity in motion. – *Linguagemem Discourse* – LemD, Tubarão: SC, 2016. – P. 592-602.

<sup>17</sup> Talmy, L. Lexicalization patterns: Semantic structure in lexical forms. In Timothy Shopen, ed. *Language typology and syntactic description*. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – 57–149 p.; Talmy, L. Path to realization: A typology of event conflation. In Laurel A. Sutton, Christopher Johnson & Ruth Shields, eds. *Proceedings of the 17th Annual Meeting of the Berkeley Linguistics Society*. Berkeley, CA: Berkeley Linguistics Society, 1991. – 480–519 p.; Talmy L. *Toward a cognitive semantics*. Vol. I: Concept structuring systems; Vol. II: Typology and process in concept structuring. Cambridge, MA: MIT Press, 2000. – 565 p.; Talmy L. *Lexical typologies*. In Timothy Shopen, ed. *Language typology and syntactic description*, 2nd ed. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 66–1968 p.; Talmy, L. *Semantics and syntax of motion*. In John P. Kimball, ed. *Syntax and semantics 4*. New York: Academic Press, 1975 – 57- 149 p.

ушбу масалада ўзбек тилидан жиддий фарқи шундаки, ўзбек тилида кўмакчи феъл билан бириккан ҳар қандай феълнинг луғавий маъноси деярли ўзгармай қолади. Инглиз тилида эса феъл ва предлог бирикувида феълнинг луғавий маъноси бутунлай ўзгариб кетади. Шунинг учун барча феъл+предлог бирикувларида тарз маъноси ифодаланади дейиш тўғри эмас. Бир феъл билан бириккан турли предлог ўз бирикувида турли луғавий маъно ифодали олиши мумкин. Шу сабабдан, предлогларни ҳам соф тарз ифода воситалари ва луғавий маъно ясовчи предлогларга бўлиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Инглиз тилидаги фразавий феълларнинг ўзбек тилидаги [феъл+равишдошлик шакли+кўмакчи феъл] қурилмасидан яна бир муҳим фарқи инглиз тилининг флексив қурилишга эгаллигида. Ўзининг флексив табиатига кўра инглиз тилида бирикувлар доираси чегараланган, яъни унда маълум бир феъл кўплаб предлог билан бирдек бирика олмайди. Буни қайсидир маънода инглиз тилида сўзлар бирикувининг синтагматик ўзига хосликларидан бири сифатида баҳолаш лозим. Предлоглар ҳам барча феъл билан бирикканда бирдек маъно ифодаламайди. Шу сабабдан инглиз тилидаги феъл ва предлог бирикувини турғун бирикма сифатида баҳолаб, улар ифодалайдиган маъноларни алоҳида лексик-морфологик тил ҳодисаси дея изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Бевосита лексик сатҳга тўхталинганда инглиз тилида ҳаракат тарзи ифода воситаларининг энг йирик ҳиссаси лексик сатҳга тўғри келишини таъкидлаш лозим. Лексик сатҳдаги воситаларни тадқиқ қилар эканмиз, ушбу хулосаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Синтактик сатҳда сўзнинг семантик структураси унинг нутқдаги ёндош сўзлар ёки матндаги бошқа сўзлар билан чизиқли муносабатларда юзага чиқади. Бошқача айтганда, сўзнинг семантик хусусиятлари унинг қўлланиш контекстида кузатилади, тавсифланади ва тадқиқ қилинади. Прагматик босқичда эса сўз тилнинг луғавий тизимидаги бошқа сўзларга нисбатан қиёсан таҳлил қилинади. Шундай қилиб, бир сўз бир хил маънони англатувчи бошқа сўзлар билан қиёсланиши мумкин (*work, n. – labour, n.; to refuse, v. – to reject v. – to decline, v.*), зид маъноли сўзлар билан таққосланади (*busy, adj. – idle, adj.; to accept, v. – to reject, v.*), услубий жиҳатдан турли контекстда қўлланивчи сўзлар билан солиштирилади (*man, n. – chap, n. – bloke, n. – guy, n.*) ёки бошқа турли хусусиятларига кўра ўрганилади. Бунда прагматик босқичдаги тадқиқотнинг асосий масалалари нутқнинг турли функционал услублари доирасидаги синонимия ва антонимия ҳисобланади<sup>18</sup>. Лексик тарз ифода бирликлари, яъни феъллар айти шу ҳаракатни англатувчи бошқа бир услубий жиҳатдан мўътадил феълнинг маънодоши бўлиши билан бирга, услубий жиҳатдан унга зид ҳам ҳисобланиши мумкин.

Лексик сатҳда ҳар бир ҳаракат феъли ўз таркибида тарз маъносини ҳам камраб олади деган қараш илк бор инглиз тилшуноси Л.Галмий томонидан илгари сурилган. Инглиз тилида кўплаб феъл ҳаракатнинг овозига тақлид ифодалардан шаклланишини инобатга олсак, бу «жараёнлилик» ва «қодирлик» маъносини англатувчи ифода воситалар сонини янада кўпайтиради.

<sup>18</sup> Фамина Н. Лексикология английского языка: курс лекций. – М.: Мади, 2018. – С. 7-8.



Синтактик сатҳда тарз маънолари анъанавий равишда бирикмалар орқали ифодаланади. Бирикмалар кесим ва пайт, равиш ҳоли каби элементдан таркиб топиши мумкин. Шунингдек, икки мустақил феъл бирикуви (*verb + to + verb, verb+ing + verb*) синтактик сатҳда тўлдирувчи ва кесим бирикуви ҳам тарз маъносини ифодалашга хизмат қилади. «Жараёнлилик» ва «қобилият» гуруҳига оид воситаларнинг эса бир-биридан икки яққол фарқи мавжуд. Биринчидан, «жараёнлилик» гуруҳидаги маънолардан бирини ифодаловчи восита ўз таркибида бошқа тарз маъносини англатиши нисбатан кенг тарқалмаган тил ҳодисаси. «Қобилият» маъносини англатувчи деярли барча бирликлар семантик полифункционаллик хусусиятига эга. Иккинчидан, «жараёнлилик» маъно гуруҳининг таркибий қисми ҳисобланган лексик сатҳ, қисман морфологик сатҳ ва синтактик сатҳ воситаларининг қўлланиш доираси норасмий нутқ билан чекланади. Бунга зид равишда «қобилият» маъносини англатувчи лексик сатҳ воситаларининг қўлланиши фақатгина норасмий нутқ доираси билан чегараланмайди. Қуйида қобилият маъносини ифодаловчи воситаларнинг нутқда воқеъланишини кўздан кечирамиз. Масалан: 1. *At this age, none of the kids can throw that hard* (D.Andrews, «Die like an eagle») – *Бу ёшда ҳеч қайси бола бундай куч билан улоқтира олмайди* (Д.Эндрюс, «Бургутдек яшаб ўт»); 2. *A couple of times I was able to shoot my way out of tough spots after having stopped my dribble too soon.* (E.A. Lewis, «We've Known Author») – *Бир икки сафар жуда катта муаммолардан амаллаб чиқа олганман, шу сабабдан қадамимини ўйлаб босадиган бўлдим.* (Э.А.Лювис, «Муаллифни биламиз»); 3. *I finally took a place near Mrs. Smith, who acknowledged me with a smile but continued on in her conversation.* (A.Wilsey, «A march to remember») – *Мен ниҳоят Смит хоним ёнига ўрнашдим.* (А.Уислей, «Хотирлаш учун марш»).

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Ҳаракат тарзи ифода воситаларининг бадий таржимаси ва луғатларда берилиши муаммоси**» деб номланган. Ўз семантик вазифасига кўра ҳаракат ва ҳолатни англатувчи феъл таржимасида маданий тафовутлар кузатилмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳаракат субстанция сифатида қараладиган бўлса, унинг акциденцияси бўлган ҳаракат тарзидан реалияни излаш ўз-ўзидан йўққа чиқади. Яъни ҳаракат турли маданият вакиллари онгида бир хил англашилари экан, унинг тарзлари ҳам айни бир хил тушунилади. Аммо, турли қурилишли тилларда тарз тушунчаси мантиқий универсалия бўлса-да, ҳар бир миллатнинг лисоний тафаккури бу тушунчаларнинг ифодаланишида лисоний ўзига ҳосликни шакллантиради. Тил ва тафаккурнинг, шунинг баробарида, тилшунослик ва мантиқнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари айни ҳолатларда яққол намоён бўлади. Таржима жараёнида тарз маъноси мутлақ бўлган *бошламоқ, тўхтатмоқ, тугатмоқ, давом эттирмоқ* феъллари ва улар негизида шаклланган кўмакчилар сезиларли қийинчиликни юзага келтирмайди. Билъакс, қўлланишига кўра, нофаол бўлган ифода воситалари, қолаверса, «узлуксизлик», «нотўлиқлик» ва «узлуклилик» каби маънолар таржимаси баъзан чалкашликларга сабаб бўлади.

Маълумки, «матн – кенг қамровли тушунча. Ўзининг бевосита мақсадидан ташқари матн ўзининг лексик таркиби, лисоний воситаларнинг ўзига хослиги, синтактик ва мантикий қурилиши, услубий ва қатор бошқа ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Юқорида санаб ўтилган барча ўзига хосликлар ўз таркибига кўра бирмунча муайян, улар маълум бир ёки матн тури, шунингдек, аниқ бир тилдан бошқасига таржима қилиш жараёнига тааллуқли. Бироқ умумий таржима назариясига эса матннинг умумий хусусиятлари аҳамиятли, бу умумий хусусиятлардан бири матннинг ахборот таркиби, унинг таркибидаги маъно асосий қийматга эга»<sup>19</sup>. Яъни, аксарият ҳолатларда тарз ифода воситаларига умумий таржима назариясининг асосий ахборотни етказиб бериш устувор вазифа деган ёндашувидан келиб чиққан ҳолатда ёндашиш энг мақбул ечимлардан бири. «Алоҳида ажратилган, матний ҳолат билан боғланмаган сўз мулоқотни ташкил этмайди, у коммуникатив бирликнинг алоҳида унсуригина, холос»<sup>20</sup>. Шу сабабдан, таржимоннинг таржима жараёнида тарз бирлигига эмас, у ифодага қаратиши табиий ҳол. Бунда бирлик морфологик, синтактик ёки лексик сатҳга оид бўлишидан қатъи назар, уни айнан таржима қилиш эмас, балки унинг маъносини реципиентга тушунарли, унинг қабул қилиши осон бўлган шаклда етказиб беришга эътибор қаратиш лозим. Лекин лисоний ва лингвистик тафаккур мутаносиблиги таржима жараёнида у ёки бу даражада кўзга ташланиб туради. Баъзан грамматик бирликнинг семантик хусусияти эътибордан четда қолади. Шунинг учун тарз маъноси чала таржима қилинади ёки тушиб қолади. Масалан: 1. *Увалло уринаман, лаънати тарнов ўнганса қани! Занглаб кетганми, бўёғи ёпишиб қолганми...* (Ў.Ҳошимов, «Тарнов») – *I made an effort somehow, yet couldn't mend that damn gutter. Either because it rusted or its stain stucked to...* (тарж. Ҳ.Алланазарова, «Gutter»). 2. *Нотаниш оролга йўлчи кемадан тушиб қолган каби қалб урар қаттиқ* (Б.Рўзимухаммад, «Номаълум одам») – *As a traveler left in a desert island my heart beats quickly* (тарж. А.Обидов, «Stranger»). 3. *Расга устида, остида, қопқанорга ёнбошлаб омонат ухлаб ётган кексаю ёш туришакфуруш, ёнзоқ-фуруш, майизфуруш, нистафуруш ва ҳоказо фурушлар уйқули кўзи билан апил-тапил ён-верини пайнаслай кетди, кўнгли жойига тушганлар бирин-бирин оҳ чекаётган жувон теварагига тўплана бошлади* (Ҳ.Дўстмухаммад, «Жажман») – *All – dried apricot trader, raisin trader, nut trader that were laying on the lateral position on the mall as leaning over the big bags rose with a suspicion, viewed round with a troubled look, checked their pockets. As lifting a load from their mind one by one some of them circled around the suffered woman that was screaming distressfully* (тарж. Ш.Сатторов, «Jajman»).

